



Ўзбекистон Республикаси номидан
ХАЛҚАРАВИЙ В ҚАРОРИ

2023 йил 16 март

Боғот тумани

4-2203-2301/479-сонли иш

Боғот туманлараро иқтисодий суди раиси, судья Б.Давлатов раислигида, судья ёрдамчиси Р.Жуманиёзов котиблигида, Боғот туманлараро иқтисодий суди биносида, видеоконференцалоқа режимида очик суд мажлиси муҳокамасида, даъвогар Д жавобгар Ждан 679 671 000 сўм асосий қарз, 14 097 300 сўм банк фоизи ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни Тошкент туманлараро иқтисодий судининг АКТ ходимининг кўмаклашувида, иштирокчи бир нафар яъни даъвогар вакили ДВ (ишончнома асосида), суд биносидан катнашганлар даъвогар вакили ЖВ (ишончнома асосида), жавобгар вакили ЖВ (ишончнома асосида) иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Даъвогар Д (бундан буён матнда – “даъвогар” деб юритилади) Боғот туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Ждан (бундан буён матнда – “жавобгар” деб юритилади) 679 671 000 сўм асосий қарз, 14 097 300 сўм банк фоизини ундиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакиллари тушунтириш бериб, даъво аризасини қўллаб-қувватлаб, жавобгарни 679 671 000 сўм асосий қарзи мавжудлигини, шунингдек сосий қарзга ҳисобланган банк фоизининг ҳисоб-китобини ҳам тушунтириб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили тушунтириш бериб, даъво аризаси бўйича тушунтириш бериб, ҳақиқатда ҳам даъвогардан 679 671 000 сўм қарздорлик мавжудлигини, тез кунларда тўлаб беришини, бироқ жамиятнинг моддий аҳволини инобатга олиб даъвогарнинг банк фоизи ундириш қисмини қаноатлантиришни рад қилишни сўради.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб, ишда иштирок этувчи тарафлар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни ва суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Иш ҳужжатларидан ва суд мажлиси муҳокамасидан аниқланган ҳолатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларга берилган майдонларда уруғлик пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом, Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 14 ноябрда 1738-сон билан давлат рўйхатига олинган “Уруғлик пахта хом ашёси етиштириш миқдорини аниқлаш ва унга асосан шартномалар тузиш тартиби тўғрисида”ги Низомга, шунингдек,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633 сонли Қарорига асосан, Хоразм вилояти “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази ДУК ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази” Хоразм вилоят бошқармаси ҳамда Ж томонидан 2021 йил ҳосилидан олинган уруғлик чигит тўғрисида 55-Х қарордаги ҳисоботи тасдиқланиб, “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” тақдим этилган.

Мазкур ҳисоб-далолатномасига асосан Ж томонидан 2021 йил ҳосилидан тайёрланган ва экишга сарфланган уруғлик чигит учун маблағлар ажратилиб, юқорида кўрсатилган Низомлар талабларига мувофиқ иккинчи босқичда тегишли устама маблағларини “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДМнинг ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрига қадар ўтказиб берилиши лозим бўлган.

Бироқ ушбу маблағлар жавобгар томонидан тўлаб берилмаган.

Даъвогар томонидан қонунда белгиланган тартибда жавобгарга маблағларни ундириш бўйича судга даъво аризаси киритилиши ҳақида 05.01.2023 йилда 45/01-10-13-сонли огоҳлантириш хати ҳамда 11.01.2023 йилда 45/01-10-113-сонли талабнома юборилган. Аммо жавобгар томонидан ушбу муурожаатлар қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

2022 йилда реализация қилинган уруғликлар учун жами 679 671 000 сўм устама маблағлари даъвогар ҳисоб рақамига ўтказиб берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига берилган майдонларда уруғлик пахта хом-ашёси етиштиришни молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 14-бандига кўра, руғлик пахта хом ашёсига қонунчилик ҳужжатларига асосан етиштирилган уруғлик пахта хом ашёсидан тайёрланган уруғлик чигит Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти (О’зДСт-663-2017 “Уруғлик чигит. Техникавий шартлар”) талабларига мос бўлганда, пахта хом ашёси қийматига нисбатан супер элита ва элита уруғлик чигит учун 100 фоиз, I авлод (R1) учун 75 фоиз, II авлод (R2) учун 50 фоиз ва III авлод (R3) учун 25 фоиз миқдорида устамалар ҳисобланиши белгиланган.

Мазкур Низомнинг 15-бандида устамалар харажати тайёрланган уруғлик чигит нарҳига киритилиши, 16-бандида устамалар етиштирилган уруғлик пахта хом ашёси миқдорида ҳисобланади ва қуйидаги тартибда икки босқичда ҳисоб-китоб амалга оширилади:

а) пахта-тўқимачилик кластерларида:

биринчи босқичда - уруғлик пахта хом ашёси етказиб берувчи томонидан етиштирилган уруғлик пахта хом ашёси учун ҳисобланган устаманинг 50 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ихтиёрида қолдирилади;

иккинчи босқичда - уруғлик чигит экилгандан (сотилгандан) кейин устаманинг қолган қисми 100 фоиз деб ҳисобланиб, шундан 50 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ихтиёрида қолдирилади, қолган 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Уруғчиликни

ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонасининг ҳисобварағига ўтказилади ва қуйидагича тақсимланади:

“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонасига ва унинг вилоят ҳудудий бошқармаларига ҳамда элита уруғчилиги лабораторияларига - 20 фоиз;

нав оригинаторлари, институтлар, селекционер ва уруғчиликда иштирок этувчи бошқа субъектларга - 30

б) пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларида:

биринчи босқичда - топширилган уруғлик пахта хом ашёси учун ҳисобланган устаманинг 50 фоизи миқдориди пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари таркибига кирувчи уруғчилик хўжаликларига пахта хом ашёсини топширган вақтда;

иккинчи босқичда - уруғлик чигит экилгандан (сотилгандан) кейин устаманинг қолган 50 фоиз қисми 100 фоиз деб ҳисобланиб, шундан 10 фоизи пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ихтиёрида қолдирилади, 40 фоизи уларнинг таркибига кирувчи уруғчилик фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилади;

“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонасининг ҳисобварағига ўтказиладиган устамаларни тўлаш бўйича уруғлик чигит тайёрловчи ташкилотлар ўртасида шартномалар тузилади.

Устамаларнинг ҳисоби ушбу Низомга 2-иловада келтирилган ҳисобот шакллари асосида ҳисобланади ва тўланади.

қолган 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонасининг ҳисобварағига ўтказилади ва қуйидагича тақсимланади:

“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонасига ва унинг вилоят ҳудудий бошқармаларига ҳамда элита уруғчилиги лабораторияларига - 20 фоиз;

нав оригинаторлари, институтлар, селекционер ва уруғчиликда иштирок этувчи бошқа субъектларга - 30 фоиз, - деб кўрсатилган.

Шунингдек, Низомнинг 17 ва 18-бандларига кўра, ўтказиладиган маблағнинг нав оригинаторлари, институтлар, селекционер олимларга тегишли қисми тақсимотида уларнинг тайёрланган пахта уруғлигидаги улуши эътиборга олинади.

Нав оригинаторлари, институтлар, селекционер олимлар ва уруғчиликда иштирок этувчи бошқа субъектларга устама маблағлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган йиллик харажатлар сметасига ҳамда тегишли ташкилотлар билан тузиладиган шартномаларга мувофиқ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонасининг махсус ҳисобварағидан ўтказиб берилади.

Бундан ташқари, 2007 йил 14 ноябрда 1738-сон билан давлат рўйхатига олинган “Уруғлик пахта хом ашёси етиштириш миқдорини аниқлаш ва унга асосан шартномалар тузиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-бандида, уруғлик пахта хом ашёсига “1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва

жойлаштириш дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги 491-сон қарорига мувофиқ, етиштирилган уруғлик пахта хом ашёсидан тайёрланган уруғлик чигит Ўзбекистон Давлат стандарти талабларига мос бўлганда, пахта хом-ашёси қийматига нисбатан супер элита ва элита уруғлик чигит учун 100 фоиз, I авлод (R1) учун 75 фоиз, II авлод (R2) учун 50 фоиз, III авлод (R3) учун 25 фоиз миқдорда устамалар ҳисобланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасидаги селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонуни 5-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, селекция ютуқларига бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган шахсий ҳуқуқ бўлиб, муддатсиз ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Уруғчилик тўғрисида”ги қонунининг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДУК уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотлар ўтказишга, ушбу соҳа корхоналарининг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633 сонли қарорининг 2-бандида 2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта хом ашёсининг харид нарҳини белгилаш амалиётидан воз кечилади, пахта хом ашёсини етиштирувчиларга районлаштирилган ғўза навларини эркин жойлаштириш ҳуқуқи берилади, пахта хом ашёси етиштирувчиларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими (шу жумладан уруғлик пахта учун амалдаги устама тўлаш шарти) сақлаб қолинади ҳамда босқичма-босқич Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДУК таркибидаги уруғчилик кластерлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари зиммасига юклатилиши белгиланган.

Бундай ҳолда, тарафлар ўртасида етиштириладиган уруғлик пахта хом-ашёсининг асосий ва захира фонди, уруғлик пахта хом ашёсининг селекцион нави, авлоди ва миқдори ҳамда пахта уруғчилигига оид бошқа шартлар кўрсатилиши лозим бўлган уруғлик пахта хом ашёси етиштириб бериш бўйича контрактация шартномаси тузилмайди. Чигит етиштирувчи илмий муассасалар ва хўжаликларни рағбатлантириш эса юқорида қайд этилган қарор ва низомлар асосида тартибга солинади.

Юқоридаги асосларга кўра, суд даъво талабининг жавобгардан 679 671 000 сўм асосий қарзни ундириш қисмини асосли деб ҳисоблайди ва уни қаноатлантиришни лозим деб топади.

Шунингдек, даъво аризасида жавобгар томонидан қарздорлик ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги учун 14 097 300 сўм миқдорида банк фоизи ундириш талаби билдирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 327-моддаси биринчи қисмига кўра, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача

тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асосиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганига учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

Шунга кўра, даъвогар томонидан мазкур кредиторнинг пул маблағларидан қонунсиз фойдаланиш туфайли 679 671 000 сўм асосий қарзнинг 15 фоиз ҳисобидан 2023 йилнинг 1 январидан ҳар бир куни учун 281 946 сўмни ташкил қилишини инобатга олиб, суд 2023 йил 20 февраль кунига қадар 50 кунга ҳисоблаб, банк фоизи 14 097 300 сўмни ташкил қилган.

Шунга асосан, суд даъвогарнинг 14 097 300 сўм банк фоизи ундириш тўғрисидаги талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 68-моддасида ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак деб белгиланган.

Кодекснинг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Юқоридагиларга асосланиб, суд даъвогарнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантиришни, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасига асосан суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 68, 113, 118, 176-179, 186-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р к и л а д и:

Даъвогарнинг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар Ждан даъвогар Д фойдасига 679 671 000 сўм асосий қарзи, 14 097 300 сўм банк фоизи ва олдиндан тўланган 13 875 366 сўм давлат божи, 30 000 сўм почта харажати, 75 000 сўм видеоконференцалоқа харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Хоразм вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилиши (прокурор протест келтириши) мумкин.

Судья

Б.Давлатов